



ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОНДА БУ БОРАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Атамуратов Шерзод Акрамович

Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети

ORCID: 0000-0001-5511-6164

sher_zod@inbox.ru

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чоралар ва механизмлар таҳлил қилинади. Давлат стратегиялари, инновацион технопарклар, молиявий ёрдамлар ва халқаро ҳамкорлик орқали инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш тартиблари ўрганилади. Шу билан бирга, Ғарбий Европа мамлакатларидаги инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича муваффақиятли тажрибалар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон учун уларнинг аҳамияти ва татбиқ этиш имкониятлари кўриб чиқилади. Шундай қилиб, мамлакатда инновацияларни ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилганлиги қайд этилади.

Калит сўзлар: инновация, инновацион фаолият, давлат қўллаб-қувватлови, технопарклар, грантлар, илмий-тадқиқот ишлари, венчур капитал, таълим, кадрлар тайёрлаш, стартаплар, халқаро ҳамкорлик, солиқ имтиёзлари, интеллектуал мулк, қонунчилик, молиялаштириш, инвестициялар, рақобатбардошлик, инновацион марказлар, инновацион ривожланиш, экспорт, Ғарбий Европа тажрибаси.

ОПЫТ СТРАН ЗАПАДНОЙ ЕВРОПЫ И ПРИНИМАЕМЫЕ МЕРЫ В УЗБЕКИСТАНЕ ПО РАЗВИТИЮ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Атамуратов Шерзод Акрамович

Навоийский государственный горно-технологический университет

Аннотация. В статье рассматриваются меры и механизмы поддержки инновационной деятельности в Узбекистане. Анализируются государственные стратегии, инновационные технопарки, финансовая поддержка и международное сотрудничество в контексте поддержки инноваций. Также изучен успешный опыт стран Западной Европы по поддержке инноваций и его значимость и возможность применения в Узбекистане. Отмечается, что созданные правовые и экономические условия направлены на повышение конкурентоспособности экономики Узбекистана за счёт развития инноваций.

Ключевые слова: инновация, инновационная деятельность, государственная поддержка, технопарки, гранты, научно-исследовательские работы, венчурный капитал, образование, подготовка кадров, стартапы, международное сотрудничество, налоговые льготы, интеллектуальная собственность, законодательство, финансирование, инвестиции, конкурентоспособность, инновационные центры, инновационное развитие, экспорт, опыт Западной Европы.

WESTERN EUROPEAN COUNTRIES' EXPERIENCE AND MEASURES IMPLEMENTED IN UZBEKISTAN FOR THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES

Atamuradov Sherzod Akramovich

Navoi State University of Mining and Technology

Abstract. *The article analyzes the measures and mechanisms for supporting innovative activities in Uzbekistan. It examines state strategies, innovation technoparks, financial support, and international cooperation in promoting innovations. In addition, the successful experience of Western European countries in supporting innovation is analyzed, highlighting its relevance and potential application in Uzbekistan. It is noted that the legal and economic conditions created aim to enhance the competitiveness of Uzbekistan's economy through the development of innovation.*

Keywords: *innovation, innovative activity, state support, technoparks, grants, research and development, venture capital, education, human resource development, startups, international cooperation, tax incentives, intellectual property, legislation, financing, investments, competitiveness, innovation centers, innovative development, export, Western Europe experience.*

Кириш.

Маълумки, инновацион фаолият иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг асосий драйверларидан бири ҳисобланади. У барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот ва хизматлар сифати ва миқдорини ошириш, рақобатбардошликни кучайтириш учун муҳим. Шундай қилиб, инновация нафақат бир компания ёки соҳанинг ривожланишини, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг глобал рақобатбардошлигини оширишда катта рол ўйнайди.

Инновацион фаолият бу – янги ғояларни ишлаб чиқиш, уларни амалий қўллаш ва бозорга жорий қилиш орқали маҳсулот ёки хизматларни яратиш ва ривожлантириш жараёнидир. Инновациялар технологияларнинг янгиланиши, янги ишлаб чиқариш усуллари, бошқарув моделлари, шунингдек, янги маҳсулот ва хизматларни яратишни ўз ичига олади.

Инновациялар жадал ривожланиш учун қулай муҳитга эҳтиёж сезади. Давлат ва хусусий секторнинг қўллаб-қувватлови инновацион фаолият учун шароит яратади, чунки бу фаолият катта молиявий ва илмий тадқиқотлар талаб қилади. Шу сабабли, инновацияларни жадаллаштириш учун ҳуқуқий база, молиявий қўллаб-қувватлаш ва илмий-тадқиқот фаолиятига инвестицияларни кўпайтириш зарур.

Иқтисодий тараққиёт даврида инновацион фаолият мамлакатлар ва компаниялар ўртасидаги технологик пойгада муҳим аҳамиятга эга. Унга эришган давлатлар ва корхоналар глобал миқёсда юқори рақобатбардошликни сақлаб қолишади. Шунинг учун ҳар бир давлат инновацион экотизим яратиш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва стратегик соҳаларда янги технологияларни жорий қилишга эътибор қаратиши керак.

Адабиётлар шарҳи.

Инновация ва инновацион фаолиятга оид дастлабки тадқиқотлар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига бориб тақалади. Бу даврда иқтисодий тараққиёт, технологик ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш жараёнларини чуқурроқ тушуниш учун турли иқтисодчилар ва олимлар инновация тушунчасига эътибор қарата бошлашган.

Жумладан:

Йозеф Шумпетер (1934) – Инновация тушунчасининг асосчиси, ҳамда иқтисодий назарияда илк бор тизимли тарзда тадқиқ қилган олим ҳисобланади. Унинг 1911 йилда нашр этилган "**Иқтисодий тараққиёт назарияси**" (The Theory of Economic Development) асаида инновация ва иқтисодий ривожланиш жараёнлари ўртасидаги

боғлиқлик тушунтириб берилган. Шумпетер инновацияни иқтисодий ўзгариш ва "креатив бузилиш" жараёнининг асосий омили сифатида кўриб чиқади. Унинг фикрича, инновация янги маҳсулотлар яратиш, янги бозорларга кириш, янги ишлаб чиқариш усуллари жорий қилиш ва янги институтларни яратиш жараёнлари орқали иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатади.

XX асрнинг иккинчи ярмида, жумладан 1950-1960 йилларда инновация тушунчаси иқтисодий ўсишни тушунтирувчи назарияларда ҳам кенг тадқиқ этилди. Масалан, **Роберт Солоу (1957)** ва бошқа иқтисодчилар технологиянинг иқтисодий ривожланишдаги ролига эътибор қаратдилар. Роберт Солоу инновация тушунчасига аниқ таъриф бермаган бўлса-да, унинг 1957 йилдаги машҳур илмий мақоласи "**Техник ўзгариш ва умумий ишлаб чиқариш функцияси**" ("Technical Change and the Aggregate Production Function") асарида инновациянинг иқтисодий ўсишга қўшадиган ҳиссасини таҳлил қилади.

1962 йилда **Эврит Роджерс (1995)** томонидан яратилган "**Инновацияларни тарқалиши назарияси**" (Diffusion of Innovations) янги технологиялар ва ғояларнинг жамиятда қандай қилиб қабул қилинишини ва тарқалишини ўрганишга қаратилган. У инновацияларни қабул қилиш босқичларини ва янги ғояларнинг турли гуруҳларда қандай тарқалишини таҳлил қилган. Роджерснинг назарияси инновациянинг ижтимоий ва маркетинг жиҳатларини чуқурроқ тушунишга имкон берган.

Питер Дракер (1985) инновацияни ташкилотларда стратегик бошқарувнинг асосий қисми сифатида кўрсатиб, унинг бошқарув ва бизнесдаги аҳамиятини тадқиқ этган. Унинг 1985 йилдаги "**Инновация ва тадбиркорлик**" (Innovation and Entrepreneurship) асарида инновацияларнинг бизнесдаги стратегик аҳамияти ва инновация орқали ташкилотлар қандай қилиб рақобатда устунликка эришиши тушунтирилган.

XX асрнинг охири ва XXI асрда инновация тушунчаси ва инновацион фаолият иқтисодий ривожланиш, технологик тараққиёт ва рақобатбардошликдаги муҳим омили сифатида чуқур ўрганилди. Давлат сиёсатлари, венчур капитал, стартап экотизимлари ва глобаллашув жараёнлари инновациянинг замонавий таҳлилининг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолди (Porter, 1990).

Умумлаштирилган ҳолда шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, инновация ва инновацион фаолиятга оид дастлабки тадқиқотлар асосан XX асрда Йозеф Шумпетер (1942) томонидан илмий таҳлил қилинган бўлса, кейинчалик бу мавзудаги тадқиқотлар иқтисодий ўсиш назариялари, технологик ўзгаришлар, инновацияларнинг жамиятда тарқалиши ва бизнесдаги аҳамияти каби йўналишларда кенгайди. Замонавий даврда эса инновация тушунчаси давлат сиёсатларидан тортиб, тадбиркорлик ва технологик ривожланишгача бўлган кенг қўламли соҳаларни қамраб олди.

Адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, инновация нафақат технологик жиҳатдан, балки бошқарув, маркетинг ва жамиятдаги ижтимоий жараёнлар билан ҳам узвий боғлиқ.

Шунингдек, инновацион фаолиятни ҳар бир ташкилот, мамлакат ёки соҳанинг стратегик ривожланиши учун муҳим омили сифатида қабул қилиш керак. Замонавий адабиётлар инновацияни иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик ва самарадорликнинг калити сифатида тасвирлайди.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистондаги амалиёт ва Ғарбий Европа мамлакатлари тажрибасини таҳлил қилиш учун таҳлилий-ташхисий усул орқали тадқиқотнинг асосий қисми инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашдаги амалий механизмларни ўрганилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳукумат дастурлари, қонунчилик ва инновацион ривожланиш соҳасидаги расмий

хужжатлар таҳлил қилинди. Бу жараёнда давлат стратегияларининг самарадорлиги ва уларнинг инновацион фаолиятга бўлган таъсири ўрганилди.

Тадқиқотлар давомида Ўзбекистондаги инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш механизмлари ва Ғарбий Европа мамлакатларининг муваффақиятли тажрибаси ўзаро солиштирилди. Солиштирма таҳлил орқали ҳар бир мамлакатдаги инновацияларни рағбатлантириш механизмларининг фарқлари ва ўхшашликлари аниқланди. Бу метод орқали Европа мамлакатлари тажрибасининг Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари ва ўзига хос жиҳатлари ўрганилди.

Шунингдек, тадқиқот доирасида халқаро ва миллий қонунчиликка доир хужжатлар, тадқиқот ишлари, статистик маълумотлар ва расмий ҳисоботлар таҳлил қилинди. Ўзбекистондаги инновацион ривожланиш дастурлари, солиқ имтиёзлари, грантлар ва давлат қўллаб-қувватлаш механизмларига оид хужжатлар асосида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш амалиётининг моҳияти очиқ берилди.

Тадқиқотда инновацион фаолиятнинг Ўзбекистондаги ва Ғарбий Европадаги ривожланиш даражасини ўрганиш мақсадида статистик маълумотлардан фойдаланилди. Статистик маълумотлар асосида мамлакатнинг инновация соҳасидаги ютуқлари ва камчиликлари чуқур ўрганилиб, инновацион ривожланиш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Инновацион фаолият мамлакат иқтисодий ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Янги технологиялар, маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш усулларини яратиш орқали инновациялар бозорда янги имкониятлар очиқ беради ва иқтисодий самарадорликни оширади. Бироқ, инновацион фаолият фақатгина ижодий ғоялар ва технологияларга боғлиқ бўлиб қолмай, уни қўллаб-қувватловчи муайян омилларнинг мавжудлиги ҳам муҳимдир. Бундай омиллар инновацион жараёнларни ривожлантириш учун зарур муҳит ва шароитларни яратади. Қуйидаги қисмда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи асосий омиллар таҳлил қилинади (Атамурадов, 2019).

Илмий-техник база ва илмий салоҳият. Инновацион фаолиятнинг асосий драйверларидан бири — илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга (R&D) эътибор бериш. Бу соҳага сармоя киритиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, илмий тадқиқот институтлари, университетлар ва инновацион марказларнинг мавжудлиги ҳам аҳамиятга эга.

Таълим ва инсон капитали. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш инновациянинг узлуксизлигини таъминлайди. Техник, технологик ва бошқарув соҳаларида малакали кадрлар бўлишининг аҳамияти катта. Янги билимлар, тажрибалар ва технологияларни ўзлаштиришга қодир бўлган ёш мутахассислар ва тадқиқотчиларнинг бўлиши инновацион фаолиятнинг истиқболли белгиларидан биридир.

Қонунчилик ва давлат сиёсатининг қўллаб-қувватлаши. Давлат томонидан инновацияларни ривожлантиришга оид қонунчилик базасининг шакллантирилиши муҳимдир. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи махсус қонунлар, солиқ имтиёзлари, субсидиялар, грантлар ва бошқа молиявий рағбатлар замин яратади. Бу эса давлат дастурлари ва стратегиялари орқали илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Молиявий манбаларни жалб қилиш имконияти. Инновацион фаолият кўпинча катта сармоя талаб қилади. Шунинг учун венчур капитал, стартаплар учун молиялаштириш имкониятлари, давлат ёки хусусий фондлар мавжудлиги муҳим омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан халқаро молия институтлари ва инвесторлар томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари ҳам инновацияга ёрдам беради.

Рақобат муҳити ва бозор талаблари. Кучли рақобат ва бозордаги талаблар янги ғоялар ва технологияларни ривожлантиришга туртки бўлади. Инновацион компаниялар бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш учун доимий равишда янги маҳсулотлар, хизматлар ёки ишлаб чиқариш жараёнларини яратишга ҳаракат қилишади. Шу билан бирга, инновацияга бўлган бозорнинг талаб даражаси ва истеъмолчиларнинг қизиқишлари ҳам фаолиятга таъсир кўрсатади.

Инфратузилма. Инновацион фаолиятнинг самарали бўлиши учун зарур инфратузилманинг мавжудлиги: технопарклар, инновацион ҳудудлар, тадқиқот марказлари ва кластерлар билан асосланади. Шунинг учун технологиялар ва маълумотлар алмашинувини рағбатлантирувчи инфратузилмаларнинг ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро ҳамкорлик. Халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш инновацион фаолият учун янги имкониятлар яратади. Халқаро конференциялар, тадқиқот лойиҳаларида иштирок этиш, хорижий инвесторлар ва компаниялар билан ҳамкорлик қилиш орқали инновацион фаолиятни кучайтириш мумкин (Атамурадов, 2019).

Кичик бизнес субъектларининг иштироки. Стартаплар ва кичик бизнеслар инновацияларни амалга оширишда фаол роль ўйнайди. Чунки уларнинг янги ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш имкониятлари катта.

Инновацион фаолиятнинг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан юқорида кўрсатилган омилларга боғлиқ. Давлат томонидан яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар, илмий-тадқиқот базаси ва кадрлар салоҳияти, шунингдек, хусусий секторнинг иштирок этиши инновацияларнинг муваффақиятли ривожланишига кўмаклашади. Шунинг учун инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш учун барча ўзаро боғлиқ механизмлар ва омилларнинг мувофиқлаштирилган ҳолда ишлашини таъминлаш зарур. Фақат шу орқали мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий барқарорликка эришиш мумкин.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича Ғарбий Европа мамлакатлари тажрибаси жуда муҳим ўрнатқич ҳисобланади. Ушбу мамлакатлар инновацияларни ривожлантириш ва уларни иқтисодиётга жорий қилиш борасида кўп йиллик самарали сиёсатни амалга ошириб келмоқда (Атамурадов, 2022).

Ўрганишлар ва тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда Ғарбий Европа мамлакатларида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ асосий ёндашувлар ва дастурлар қўйидаги йўналишларда олиб борилаётганлигини таъкидлашимиз мумкин (Атамурадов, 2021):

1. Инновацияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари. Ғарбий Европа мамлакатларида давлат томонидан инновацияларни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилган. Германия, Франция ва Нидерландия каби мамлакатларда илмий-тадқиқот ва ишланмаларга (R&D) молиявий ёрдамлар, грантлар ва субсидиялар ажратилади. Масалан, Германияда "Industrie 4.0" дастури рақамли технологиялар ва саноатни модернизация қилишга қаратилган бўлса, Францияда "La French Tech" дастури стартаплар ва инновацион компанияларни рағбатлантириш учун мўлжалланган.

2. Хусусий ва давлат ҳамкорлиги. Хусусий ва давлат ҳамкорлиги (public-private partnership) Ғарбий Европада инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг асосий моделларидан бири ҳисобланади. Давлат институтлари хусусий сектор билан ҳамкорликда янги технологиялар ва ишланмаларни жорий қилишга ёрдам беради. Масалан, Буюк Британияда "Innovate UK" ташкилоти хусусий компаниялар учун молиявий қўллаб-қувватловчи грантлар ва рағбатлантириш дастурларини амалга оширади.

3. Технологик кластерлар ва инкубация марказлари. Кўплаб Ғарбий Европа мамлакатларида технологик кластерлар ва инкубация марказлари яратилган. Швециядаги "Kista Science City" ёки Франциядаги "Paris-Saclay" каби инкубация

марказлари инновацион тадқиқотлар ва технологик стартапларнинг ривожланишига ёрдам беради. Бу кластерлар университетлар, илмий-тадқиқот марказлари ва хусусий компаниялар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

4. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Инновацияларни рағбатлантириш учун интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ғарбий Европада муҳим аҳамиятга эга. Европа Патент Ташкилоти (European Patent Office) томонидан амалга ошириладиган патентлаш жараёни ихтирочилар ва тадбиркорларни ўз технологияларини ҳимоя қилишга имкон беради. Бу жараён инновацияларни тижоратлаштиришни ва уларни халқаро миқёсда жорий қилишни енгиллаштиради.


5. Инновацион экотизимларни ривожлантириш. Ғарбий Европа давлатлари инновацияларни қўллаб-қувватлаш учун инновацион экотизимлар яратишга катта эътибор қаратишади. Масалан, Германиядаги "Berlin Startups" ёки Нидерландиядаги "Amsterdam Science Park" каби лойиҳалар стартаплар учун қулай муҳит яратишга қаратилган. Бу экотизимлар молиявий ёрдам, таълим, маслаҳат хизматлари ва сармоячилар билан алоқаларни таъминлайди.

6. Европа Иттифоқи дастурлари. Европа Иттифоқи томонидан жорий қилинган дастурлар ҳам Ғарбий Европада инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг муҳим қисми ҳисобланади. Horizon Europe каби дастурлар илмий тадқиқот ва инновацияларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, ушбу дастурлар орқали Европа Иттифоқи мамлакатларида инновацион лойиҳаларга катта миқдорда молия ажратилади. Бу дастурлар тадқиқотчилар, университетлар ва хусусий секторни ҳамкорликка чорлайди.

Ғарбий Европада инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг асосий элементлари давлат дастурлари, хусусий ва давлат ҳамкорлиги, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инновацион экотизимларни шакллантиришдан иборат. Бу омиллар инновациялар ривожланиши учун самарали шароит яратишда муҳим рол ўйнайди.

Шунингдек, Европа мамлакатларида инновацияларнинг асосий манбалари таҳлил қилинганда қуйидаги омиллар келтирилади:

Илмий-тадқиқот ва ишланмаларга (R&D) сармоялар. Европа мамлакатлари инновацияларни ривожлантириш учун катта даражада R&Dга сармоя киритишади. Давлат ва хусусий сектордаги илмий тадқиқот марказлари, университетлар ва йирик корхоналар инновацион ишланмаларнинг асосий локомотивларидир. Хусусан, Германия, Швеция, Финляндия ва Франция каби мамлакатлар ЯИМнинг юқори қисмини R&Dга сарфлайдилар (1-расм).



1-расм. Европа Иттифоқининг айрим мамлакатларида 2023 йилда илмий-тадқиқот ва ишланмаларга сарфланган харажатларнинг ЯИМдаги улуши

Манба: Европа иттифоқи статистик маълумотлари https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=R%26D_expenditure

Таълим ва инсон капитали. Европа инновацияларининг яна бир манбаи сифатида сифатли таълим тизими ва инсон капитали кўрилади. Европа давлатлари айниқса STEM (илм-фан, технология, муҳандислик ва математика) соҳаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Швеция ва Финляндия каби мамлакатлар юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда етакчилик қилади, бу эса янги технологияларни яратиш ва жорий қилишга ёрдам беради.

Хусусий сектор инновациялари. Кўплаб Европа мамлакатларида йирик хусусий корхоналар ва стартаплар инновацияларнинг асосий манбалари ҳисобланади. Германия, Франция ва Нидерландиядаги автомобилсозлик, кимё ва юқори технология соҳалари инновацион ишланмаларнинг асосий қўзғатувчилари сифатида эътироф этилади. Хусусий сектордаги R&D фаолияти, хусусан, йирик компаниялар томонидан молиялаштирилади.

Жумладан Европанинг Германия, Франция, Швеция, Нидерландия, Буюк Британия каби мамлакатларида хусусий секторнинг инновациялар учун ажратаётган маблағлари бўйича ҳолат ўрганилганда қуйидаги статистик маълумотларни кўришимиз мумкин:


Германия: Германияда хусусий сектор илмий тадқиқот ва ишланмаларга (R&D) сармояларнинг асосий қисмини ташкил қилади. 2022 йилда Германиядаги R&D сармояларининг тахминан 70% хусусий сектор томонидан ажратилган. Бу эса мамлакатнинг технологик салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутди.

Франция: Францияда ҳам хусусий сектор R&D харажатларининг катта қисмини ташкил қилади. Францияда R&Dга сармояларнинг 65% хусусий сектор томонидан ажратилган. Яъни, йирик хусусий корхоналар ва стартаплар янги технологияларни жорий қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Швеция: Швецияда хусусий сектор R&D сармояларининг тахминан 70%ини ташкил этади. Швециядаги йирик технология компаниялари, айниқса Ericsson каби компаниялар инновацион ишланмаларга катта маблағ ажратади.

Нидерландия: Нидерландияда хусусий секторнинг R&D сармоялари ҳам юқори. Бу ерда хусусий сектор сармояларининг 60%дан кўпроғи инновацион тадқиқот ва технологияларни ривожлантириш учун ажратилади.

Буюк Британия: Буюк Британияда хусусий сектор илмий тадқиқотларга сарфланадиган маблағларнинг тахминан 66%ини ташкил қилади. Ахборот технологиялари, биотехнология ва фармацевтика соҳалари хусусий сектор сармояларининг асосий манбалари ҳисобланади. (2-диаграмма)



2-расм. Европа Иттифоқининг айрим мамлакатларида 2023 йилда илмий-тадқиқот ва ишланмаларга ажратилган маблағларда хусусий секторнинг улуши.

Манба: Европа иттифоқи статистик маълумотлари https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=R%26D_expenditure

Маълумотлардан кўриниб турибдики, кўплаб Европа мамлакатларида хусусий сектор R&D сармояларининг 60-70%ини ташкил этади, бу эса инновациялар учун зарур бўлган молиявий манбаларнинг асосий қисми ҳисобланади. Германия ва Швеция каби мамлакатларда хусусий сектор томонидан ажратилаётган маблағлар юқори бўлиб, бу мамлакатларнинг технологик ривожланишини рағбатлантирмоқда. Бундай сармоялар янги маҳсулот ва технологияларни бозорга чиқаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар Европада хусусий секторнинг инновацион фаолиятда қанчалик катта ўрин тутаётганини кўрсатади. Хусусий секторнинг юқори даражадаги сармоялари инновациялар учун асосий молиявий қўллаб-қувватлаш манбаи эканлигини тасдиқлайди.

Халқаро ҳамкорлик ва интеграция. Европа Иттифоқи доирасидаги ҳамкорлик ва интеграция инновацияларни қўллаб-қувватловчи кучли омиллардан биридир. Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги илмий тадқиқот ва технологиялар алмашинуви Еврокомиссия томонидан молиялаштирилаётган турли дастурлар орқали амалга оширилади. Масалан, Horizon Europe дастури инновацияларни рағбатлантиришга қаратилган.

Инновацион экотизимлар ва кластерлар. Кўплаб Европа мамлакатларида инновацияларни қўллаб-қувватловчи технологик парклар ва экотизимлар шакллантирилган. Масалан, Лондон, Берлин ва Амстердам каби шаҳарларда технологик стартаплар учун қулай муҳит мавжуд. Бу шаҳарлар илмий тадқиқот марказлари, университетлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган кластерлар асосида ривожланади.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш. Европа мамлакатларида патентлаш ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими юқори даражада ривожланган. Европа Патент ташкилоти (European Patent Office) орқали қўллаб-қувватланаётган кучли ҳуқуқий тизим тадқиқотчилар ва ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароитлар яратади, бу эса инновациялар ҳимоя қилинишига имкон беради.

Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш. Европа мамлакатларида ҳукуматлар инновацияларнинг ривожланишини рағбатлантириш учун турли имтиёзлар ва грантлар тақдим қиладилар. Давлатнинг иқтисодий сиёсатлари, солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш дастурлари инновацион тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатимизда ҳам инновацион фаолиятни ривожлантириш сўнгги йилларда давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда. Давлат томонидан инновацияларни қўллаб-қувватлаш учун махсус қонунлар ва стратегиялар қабул қилинди, технопарклар ва илмий марказлар ташкил этилди. Хусусан, инновацион ривожланиш вазирлиги ва тегишли дастурлар орқали янги технологиялар ва инновацион ғояларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Давлатнинг инновацион соҳадаги ушбу сиёсатлари ва амалий чоралари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва глобал рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлиб, келгусида янада муҳим натижаларга олиб келиши кутилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистонда инновацион жараёнларни тартибга солиш, инновацион ишланмаларни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи субъектларни ҳимоя қилиш мақсадида 2020 йил 24 июлида “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сонли Қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонун мамлакатда инновацион фаолиятни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ҳуқуқий асосларини белгилашга қаратилган.

Қонуннинг 3-моддасида – **“инновацион фаолият — янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият”** дея таъриф келтирилади.

Қонуннинг асосий мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қонунда инновацион фаолият, инновация, инновацион маҳсулот, инновацион жараёнлар ва тадқиқот ишлари каби тушунчалар аниқланади. Ушбу тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифлари, уларнинг қандай амалга оширилиши ва қўлланилиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

- қонунда инновацион фаолият субъектлари, яъни инновациялар яратувчи ва уларни амалга оширувчи шахслар ва ташкилотлар, шунингдек, давлат идоралари ва хусусий секторнинг роли белгиланади. Булар орасида илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари, инновацион корхоналар, стартаплар ва бошқа субъектлар кўзда тутилади.

- Давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш ва рағбатлантириш механизмлари кўрсатиб ўтилади. Бунда давлат грантлари, субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва молиявий рағбатлантириш чоралари белгиланган. Инновацион фаолият субъектлари давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам турлари, шу жумладан, молиявий қўллаб-қувватлаш, инновацион лойиҳалар учун шарт-шароитлар ва бошқа ёрдамлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

- қонунда давлат органлари томонидан инновацион фаолият учун қулай муҳит яратиш ва ушбу муҳитни янада такомиллаштириш вазифалари белгиланади. Шунингдек, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланади.

- инновацион ишланмалар ва ихтироларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ҳам қонуннинг муҳим қисмларидан биридир. Унда инновацион маҳсулотлар яратувчиларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун зарур шарт-шароитлар яратиш чоралари кўзда тутилади.

- қонун инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва халқаро инновацион лойиҳаларда иштирок этиш имкониятларини ҳам белгилайди.

- инновацион фаолиятни молиялаштиришда давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик қилиш, венчур капитал ва халқаро инвестицияларни жалб қилиш масалалари ҳам ёритилган. Давлат инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус фондлар ва молиявий ташкилотлар ташкил этишни кўзда тутди.

Ушбу қонун ва шу доирада амалга ошириладиган ислохотлар, Ўзбекистонда инновацион фаолиятни фаоллаштиришга, мамлакатнинг технологик ва илмий салоҳиятини оширишга сари қатта қадам ҳисобланади. Бу эса давлат томонидан инновацион жараёнларни молиялаштириш ва ҳуқуқий жиҳатдан рағбатлантириш механизмлари орқали мамлакатда инновацияларни ривожлантириш мақсад қилинганлигини яна бир бор асослайди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги кунда Давлат томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва стартапларни рағбатлантириш чоралари ҳам кўрилмоқда. Бундан ташқари, технопарклар ва инновацион марказларнинг ташкил этилиши инновацион жараёнларни янада тезкор ва самарали амалга оширишга ёрдам бермоқда. Жумладан:

- Ҳукумат томонидан инновацияларни ривожлантиришни стратегик мақсадлардан бири сифатида белгилаб, бир неча муҳим дастур ва қонунларни қабул қилган. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва мувофиқ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида ташкил этилган “Инновацион ривожланиш агентлиги” инновацион ишланмаларни яратиш ва уларни қўллаш учун муҳим платформа вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, 2020 йилда қабул қилинган **“Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун** инновацион жараёнлар учун ҳуқуқий асослар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини белгилаб берди.


- Ўзбекистонда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун инновацион марказлар ва технопарклар ташкил қилинган. Улар илмий тадқиқотлар ва ишланмалар учун шароитлар яратади. Бундай марказлар ва технопарклар илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, янги технологияларни жорий қилиш ва стартапларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Масалан, Тошкент шаҳридаги “Яшнобод” инновацион технопарки ва Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг инновацион маркази илмий-тадқиқот ишлари учун технологик имкониятлар яратади ва инновацион стартаплар учун платформа вазифасини бажаради. Технопарклар янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш ва кичик бизнеслар ҳамда стартаплар учун қулай муҳит яратишга қаратилган.

- Инновацияларни ривожлантириш учун юқори малакали мутахассислар зарур. Ўзбекистонда таълим ва илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги университетлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш дастурларини ташкил этмоқда. Ёш мутахассисларни хорижий тажриба билан таништириш учун уларнинг чет элда таълим олишига имкониятлар яратилган. Масалан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали ёш олимлар ва мутахассислар нуфузли хорижий таълим муассасаларида таълим олиш имкониятига эга бўлиб, инновацион билим ва кўникмаларни ўзлаштирмоқдалар.

- Давлат томонидан инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг яна бир муҳим қисми солиқ имтиёзлари ва ҳуқуқий ёрдам бериш ҳисобланади. “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун ва бошқа тегишли қонунлар орқали инновацион компаниялар ва тадбиркорларга солиқ имтиёзлари тақдим этилади. Бунда янги технологияларни жорий қиладиган компаниялар ва тадқиқотчилар учун солиқларнинг қисқариши ёки маълум бир муддатга солиқдан озод қилиниши мумкин.

- Мамлакатимизда халқаро ҳамкорлик орқали инновацион фаолиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Халқаро ташкилотлар ва инвесторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали мамлакатга янги технологиялар ва инновацияларни жалб қилиш имконияти оширилмоқда. Жумладан, давлат томонидан қўллаб-қувватланган стартап акселераторлари орқали хорижий инвесторлар ва венчур фондларнинг Ўзбекистондаги инновацион лойиҳаларга сармоя киритиш имкониятлари оширилмоқда.

Ушбу дастурлар ва чора-тадбирларнинг натижаси сифатида Ўзбекистон Глобал инновация индексида (Uzbekistan ranking in the Global Innovation Index) юқорилаб бораётганлигини кузатишимиз мумкин:



3-расм. 2013-2022 йилларда Глобал инновация индекси рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни

Манба: World Intellectual Property Organization (WIPO)/ Uzbekistan ranking in the Global Innovation Index 2022.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, юртимизда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш амалиёти давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган стратегиялар, инновацион технопарклар ва молиявий рағбатлантириш механизмлари орқали амалга оширилмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистоннинг глобал инновация индексидаги ўрнини яхшилаш ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган сиёсатни ишлаб чиқиш зарур. Инновациялар замонавий иқтисодиётнинг асосий ривожлантирувчи кучларидан бири бўлиб, улар янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ошириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга катта ҳисса қўшади. Ўзбекистон учун бу йўналишдаги глобал рақобатда ўз ўрнини мустаҳкамлаш ва инновацион экотизимни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада амалга оширилиши мумкин бўлган қўйидаги асосий чораларни келтириш мумкин:

- Илмий-тадқиқот ва ишланмаларга (R&D) сармояларни ошириш: Илмий-тадқиқот фаолиятига кўпроқ маблағ ажратиш инновацияларнинг ривожланишига туртки беради. Давлат ва хусусий секторлар томонидан R&Dга сармоялар оширилса, янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматлар яратилади, бу эса мамлакатнинг халқаро бозорда рақобатбардошлигини оширади.

- Таълим ва инсон капитали сифатини яхшилаш: Таълим тизимини, айниқса STEM фанлари бўйича, такомиллаштириш орқали малакали мутахассислар тайёрланади. Сифатли таълим инсон капитали салоҳиятини оширади ва инновацион ғояларни амалга ошириш учун зарур бўлган кадрларни таъминлайди.

- Интеллектуал мулк ҳуқуқларини мустаҳкамлаш: Инновацияларни рағбатлантириш учун ихтирочилар ва муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунларни такомиллаштириш инновацион фаолликни оширади ва инвесторлар учун қулай муҳит яратади.

- Стартаплар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш: Стартаплар учун молиявий ресурслар, инкубация марказлари ва маслаҳат хизматлари тақдим этиш орқали янги бизнеслар ривожланишига ёрдам берилади. Бу эса янги инновацион маҳсулот ва хизматларни бозорга чиқаришни тезлаштиради.

- Технологик инфратузилмани ривожлантириш: Юқори тезликдаги интернет, тадқиқот марказлари ва инновацион ҳудудларни барпо этиш орқали технологик ривожланишга замин яратилади. Инфратузилма инновацияларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди.

- Халқаро ҳамкорликни кучайтириш: Хорижий тадқиқот институтлари ва компаниялар билан ҳамкорлик қилиш тажриба алмашинуви ва янги технологияларни олиб киришга ёрдам беради. Халқаро лойиҳаларда иштирок этиш мамлакатнинг инновацион салоҳиятини оширади.

- Бюрократик тўсиқларни камайтириш: Бизнесни юритиш ва инновацияларни жорий этиш жараёнларини соддалаштириш тадбиркорлик фаолиятини энгиллаштиради. Регулятор тўсиқларни олиб ташлаш инвесторлар ва тадбиркорларни жалб қилишга ёрдам беради.

- Рақамли технологияларни жорий этиш: Давлат хизматлари ва хусусий секторда рақамлаштиришни рағбатлантириш орқали самарадорликни ошириш мумкин. Рақамли технологиялар янги бизнес моделлар ва хизматларни яратишга имкон беради.

- Хусусий сектор инновацияларини қўллаб-қувватлаш: Компанияларни инновацион лойиҳаларга сармоя киритишга рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари ва бошқа иқтисодий стимуллар бериш мумкин. Бу хусусий сектордаги R&D фаолиятини кучайтиради.

- Инновацион экотизимни шакллантириш: Университетлар, тадқиқот марказлари ва саноат ўртасида ҳамкорликни кучайтириш орқали билим ва технологиялар алмашинуви таъминланади. Кластерлар ва технологик парклар инновацион ғояларни амалга оширишни тезлаштиради.

Ушбу таклифлар Ўзбекистоннинг Глобал инновация индексдаги ўрнини яхшилашга қаратилган муҳим қадамлар ҳисобланади. Илмий-тадқиқот ва ишланмаларга сармоя киритиш, таълим сифатини ошириш, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш орқали инновацион экотизим шакллантирилиши мумкин. Бу эса мамлакатнинг технологик салоҳиятини оширишга, иқтисодий барқарорликка ва халқаро бозорда рақобатбардошликка ёрдам беради. Тизимли ислохотлар ва самарали инновацион сиёсат Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисми бўлиши керак.

Адабиётлар/Литература/ Reference:

Drucker, P. (1985) "Innovation and Entrepreneurship".

Porter, M. E. (1990) "The Competitive Advantage of Nations".

Robert M. (1957) Solow - Technical Change and the Aggregate Production Function. *The Review of Economics and Statistics*, Vol. 39, No. 3 (Aug.), pp. 312-320

Rogers E.M. (1995) *Diffusion of Innovations*. 4th ed. – New York,

Schumpeter, J. A. (1942) "Capitalism, Socialism, and Democracy".

Schumpeter, J. A. (1934) "The Theory of Economic Development".

Атамуратов Ш. А. (2019). Турли минтақаларда венчур инвестицияси муҳити таҳлили ҳамда венчур бизнесини ўзбекистон иқтисодиётига жорий этиш муаммолари. *Экономика и инновационные технологии*, (6), 69–79. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11170

Атамуратов Ш. А. (2022). Саноатда инновацион фаолиятни ривожлантиришда венчур инвестицияларини жалб қилиш масалалари. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1868>

Атамуратов Ш. (2019) Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалаштириш моделлари // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. – №. 2.

Атамуратов Ш.А. (2021) Инновацион тадбиркорликда венчур инвестицияларини жалб қилиш муаммолари // *Экономика и финансы (Узбекистан)*. №1 (137). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-tadbirkorlikda-venchur-investitsiyalarini-zhalb-ilish-muammolari>.

Атамуратов Шерзод Акрамович (2019) Инновацион фаолиятни венчурли молиялаштиришнинг халқаро моделларини жорий этиш самарадорлиги // *Экономика и финансы (Узбекистан)*. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-faoliyatni-venchurli-moliyalashtirishning-hal-aro-modellarini-zhoriy-etish-samaradorligi>

Улашев, И. О., and Ш. А. Атамуратов (2013). "Корхона иқтисодиёти ва менежменти." *Ўқув қўлланма*. Тошкент.

Европа Иттифоқининг Horizon Europe дастури — Инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган дастурлар ва ҳисоботлар.

Жаҳон банки (World Bank) — Инновация ва иқтисодий ривожланиш бўйича ҳисоботлар, ЯИМ ва R&D сармоялари бўйича маълумотлар.